*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 232 (9878). ● 1990 йил 5 декабрь ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## Инсонпарварлик ёрдами билан чет эллардан ССЖИга юборилаётган озиқ-овқат ва дори-дармондан фойдаланишни ташкил этиш ҳақида

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев «Инсонпарварлик ёрдами йўли билан чет эллардан ССЖИга юборилаётган озиқ-овқат ва дори-дармондан фойдаланишни ташкил этиш ҳақида»ги фармойишни имзолади.

Шу мақсадда марказий комиссия тузилди, бу комиссия ўз фаолияти ҳақида ССЖИ Президентига ҳисоб беради. ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин комиссия раиси этиб тасдиқланди. Комиссия таркибига ҳокимият ва бошқарув идораларининг, жамоатчиликнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларининг вакиллари киритилади.

Комиссияга олинаётган дори-дармон ва бошқа молларни ташиш ҳамда тақсимлашга оид барча аниқ масалаларни ҳал этиш топширилган. Бу ёрдам биринчи навбатда тиббиёт муассасаларига, болалар уйларига ва қарияларнинг уйларига, офатлардан азият чеккан районларга юборилиши керак.

(ТАСС).

## КОРЕЯ ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ССЖИга ТАШРИФ БУЮРАДИ

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг таклифига биноан Корея жумҳуриятининг Президенти Ро Дэ У 1990 йил декабрь ойининг ўрталарида Совет Иттифоқига расмий ташриф буюради.



«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмаларида йилни меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлашга интилаётган чеварлар кўплаб топилади. 6-цех тикувчиси Феруза Тошевна Бўрнева ҳам шундай ташаббускорлардан. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир ишчи смена топшириқларини 170 фоизга етказиб бажармоқда. Ишининг сифати юқори бўлаяпти. Ўзининг тажрибасини корхонага янги келган ёшларга ҳам бажонидил ўргатмоқда. Суратда: Ф. Бўрнева.

А. РАҲИМБОЕВ суратга олган.

*ТАСС ахбороти*

## ТУТАШТИРИШГА ҲОЗИРЛИК

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 3 декабрь. (ТАСС). Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Тоехиро Акиямадан иборат халқаро Совет-Япония экипажи космик парвозининг иккинчи куни эрталаб соат 5 да бошланди ва у Москва вақти билан соат 18 гача давом этади. Космонавтлар учиш дастурига мувофиқ «Союз ТМ-11» кемаси бўлинмаларининг зичлигини, унинг ичидаги системаларнинг ишга лаёқатли эканлигини текширдилар. «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан олисдан туриб, яқинлашиш мақсадида иккита машқ бажарилди.

Кема орбиталарининг параметрларини тўғрилаб қўйилганидан сўнг, уларнинг:

— ер юзасидан энг кўп узоқлашуви — 326 километрни;

— ер юзасидан энг кам узоқлашуви — 283 километрни;

— айланиш даври — 90,3 минутни;

— оғиши — 51,6 даражани ташкил этмоқда.

Бугун Геннадий Манаков билан Геннадий Стрекалов учун комплекс парвози йўлида ер юзасини кўз билан кузатиш ва уни суратга олиш, космик нурланиш хусусиятларини ўлчашга доир тажрибалар ўтказиш, «Чибис» пневмовакуум кийимида машқлар бажариш режалаштирилган. Жисмоний машқлар ва дам олиш учун ҳам вақт ажратилган.

Телеметрия хабарлари ва орбитадан олинаётган маълумотларга қараганда, «Союз ТМ-11» кемаси билан «Мир» комплексининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

## ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТОКИО, 3 декабрь. (ТАСС мухбири Александр Копнов). Япония фуқароси, Ти-Би-Эс телекомпаниясининг журналисти Тоехиро Акияманинг «Союз ТМ-11» кемасида фазога қилган биринчи парвози Япония-Совет ҳамкорлигининг натижаси бўлди. Бу жуда зўр иш бўлди, деди бугун мамлакат Бош вазири Тосики Кайфу журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб.

«Ҳозир инсоният олдида атроф муҳитнинг булғаниши, сайёрамизда ҳавонинг ҳаддан ташқари исиши ва эҳтимол, биз ҳали билмайдиган бошқа кўплаб муаммолар турибди. Ана шу муаммолар тезроқ ҳал этилишини хоҳлардик». «Парвоз эндигина бошланди, лекин мен унинг муваффақият қозонишига умид қиламан», — деди Япония ҳукуматининг бошлиғи.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### УМУМГЕРМАНИЯ САЙЛОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

● ГЕРМАНИЯДА парламентга ўтказилган умумий сайловлар ниҳоясига етди. Ўтган якшанба куни Берлин марказидаги рейхстаг биноси полициячилар билан қуршаб олинди. Чунки бу ерга Германиянинг барча ҳудудларидан ўтказилаётган сайловлар тўғрисидаги натижалар келиб турган эди. Халқаро матбуот маркази ҳам шу ерда жойлаштирилганди. Шарҳчилар аввалдан айтгандек, ғайритабиий воқеалар бўлгани йўқ. Ҳукмрон партиялар иттифоқи сайловларда яна ғалаба қозонди. Христиан демократлар иттифоқи — христиан ижтимоий иттифоқ ҳамда эркин демократик партия энг кўп — 55 фоиз овоз олдилар. Германия ижтимоий демократик партияси эса 33,5 фоиз овозга эга бўлди. Демократик ссциализм партияси бор-йўғи 11 фоиз овоз олди, холос.

### ЭНДИ НИМА БЎЛАДИ?

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашида 678-қарор қабул қилинганлиги ҳаммага маълум. Унда Ироқнинг Қувайт ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш муддати келгуси йил 15 январигача деб аниқ белгиланди. Ироқ, қатор араб мамлакатлари, Оврупо давлатлари бу қарорга нисбатан ўзларининг турлича муносабатларини билдирмоқдалар. Энди нима бўлади? Истиқболда бу минтақани уруш кутмоқдами ёхуд тинчликми? Давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, ахборот воситалари шарҳчиларининг умумий фикри шундай: Ироққа ҳарбий тангликни ҳал этиш учун сўнгги имконият берилди. У ўз қўшинларини Қувайт ҳудудидан сўзсиз олиб чиқиб кетиши керак, қонуний Қувайт ҳукумати тикланиши лозим.

### ЛОТИН АМЕРИКАСИ БЎЙЛАБ САФАР

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш Жанубий Америка мамлакатлари бўйлаб ўз сафарини бошлади. У Бразилия, Уругвай, Аргентина, Чили ва Венесуэлага ташриф буюради. Мазкур сафар олдидан Жанубий Америкадаги беш давлат бошлиқлари учрашиб, ўзаро нуқтаи назарларини келишиб олдилар. Уларнинг фикрича, АҚШ президенти билан учрашувда бу мамлакатларнинг ташқи қарзларига, дунё савдоси муаммоларига, шунингдек, Форс кўрфазидаги аҳволга катта эътибор берилади.

### ЧАДДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

● БИР НЕЧА кун муқаддам жаҳон ахборот воситалари Чад ҳудудига Чадни сақлаб қолиш ватанпарварлик фронти ҳарбий тузилмаларининг бостириб кирганлиги ҳақида хабар эълон қилган эдилар. Куни кеча бу фронт ҳарбий гуруҳлари француз ҳарбий хизматчилари ёрдамида мамлакат пойтахти — Нжаменани босиб олдилар. Пойтахтда комендантлик соати жорий этилди. Фронт томонидан тарқатилган ахборотномада айтилишича, собиқ президент Хиссен Хабре тирик, у Камерун шимолидаги Маруа шаҳридан бошпана топган.

### ЕР ОСТИДАГИ УЧРАШУВ

● МАЪЛУМКИ, Буюк Британия ва Франция қирғоқларини бирлаштирувчи ерости йўли Ла-манш орқали ўтиши режалаштирилган эди. «Аср иншооти» деб аталган бу буюк иш маълум нуқтасига етказилди. Ўтган якшанба куни соат 11.15 дақиқада Англия ва Франция фуқаролари Грэм Фогг ва Филипп Козет океан сатҳидан 100 метр чуқурликда қазилаётган ерости туннелида учрашдилар. Бу икки ишчининг номлари тарих саҳифаларига киради. Улар хурсанд бўлиб, бир-бирларининг қўлларини қисдилар.

### Л. ЛУКАНОВ ИСТЕЪФО БЕРДИ

● БОЛГАРИЯ пойтахтида бир неча кундан бери аҳвол танг бўлиб турганидан сўнг А. Луканов бошлиқ ҳукуматнинг истеъфога чиққанлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Янги ҳукумат тузилгунча, А. Луканов ўз вазифаларини адо этиб туради.

### ТИЛЛА ВА КУМУШЛАР ЎҒИРЛАНДИ

● ЎТГАН шанба куни Канаданинг Монреал шаҳри яқинидаги Дорвал тайёрагоҳида тўрт нафар босқинчи ўғри тилла ва кумуш қуймалари ортилган тайёрага ҳужум қилдилар. Тайёра ерга қўнгач тайёрлаб қўйилган юк машинасида босқинчилар тайёрагоҳ ҳудудига кириб, тайёра ичига кўтарилганлар, учувчи ва соқчиларни қуролсизлантириб, тилла ва кумуш қуймаларини машинага ортиб, жўнаб қолганлар. Тергов давом этмоқда. Тахмин қилинишича, 16 миллион долларлик тилла ва кумушлар ўғирланган.

## ЧЎЗИЛАЁТГАН ҚУРИЛИШ

Ҳозир Чирчиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг икки йилдан буён қурилаётган янги ишлаб чиқариш-маиший биноси ҳали-вери битмайдиган объектлар рўйхатини тўлдиради, деб чўчимай айтиш мумкин. Ҳолбуки, график бўйича унинг дастлабки навбати декабрь ойида фойдаланишга топширилиши керак эди.

Мазкур бинонинг ишлаб чиқариш майдонларида болалар учун 800 минг жуфт камёб пойабзал тайёрлаш кўзда тутилган. Лекин бу маҳсулот дўконларимиз пештахталарига яқин орада кўринмаса керак. Бунинг сабаби битта, бинокорлик материаллари ва конструкциялари етишмаяпти. Фақат мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги хом ашё етказиб берувчилар панд беришаяпти, деб бўлмайди. Масалан, Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг жамоаси бу ерга бир неча ҳафта давомида тўсиқ панелларини етказиб бермади. Бунинг натижасида бригадалар бекор туриб қолди, иш графигидан орқада қолиш тобора кўпайиб борди.

Қурилишга ва ускуна сотиб олишга 4,5 миллион сўм ажратилган. Шу маблағнинг ярмидан кўпроғи қурилиш-монтаж ишларига тўғри келади. Лекин афсуски, турғунлик даврининг синалган усулларидан фойдаланиб ҳатто уч сменалаб «бўл, ҳа бўл!» қилиб ишлаганда ҳам бу ерда бой берилган вақтни қайтариб бўлмайди. Бу эса, маҳсулотини жумҳуриятнинг барча вилоятларида кутишаётган ўта муҳим ишлаб чиқариш объектининг ишга тушиши яна келаси йилга қолди, деган гапдир.

(ЎзТАГ мухбири).

*● Халқаро ҳамкорлик*

## ЎЗБЕКИСТОН—ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР САРИ ТАШЛАНГАН ЯНГИ ҚАДАМ

3 декабрь куни Тошкентда Осиё-Тинч океан минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳамда икки томонлама муносабатлар муаммоларига бағишланган Совет-Жанубий Корея конференцияси очилди. Уни ССЖИ Фанлар академияси жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар илмгоҳи, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг иқтисодиёт илмгоҳи билан Корея жумҳурияти халқаро тадқиқотлар илмгоҳи ташкил қилди.

Муҳокама қилинаётган муаммолар орасида Осиё-Тинч океан минтақасида мустаҳкам тинчликни сақлашнинг самарали йўлларини излашдан ташқари иқтисодий ҳаётдаги ҳамкорлик истиқболлари масаласи ҳам бор. Жанубий Корея ишбилармонларининг вакиллари Ўзбекистон билан амалий алоқалар ўзаро фойдали бўлиши мумкин ва бўлиши керак, деб ҳисобламоқдалар.

— Ўзбекистон ўзининг юксак иқтисодий имкониятлари билангина эмас, шу билан бирга бу ерда икки юз мингдан кўпроқ совет корейслари яшаётганлиги ҳам бизни қизиқтирмоқда, — дейди Корея халқаро тадқиқотлар илмгоҳининг президенти Чонг Ки Чой. — Бу галги Тошкентдаги учрашув Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларга шубҳасиз янги омил бағишлайди. Делегациямизда йирик ишбилармонлар, фирмаларнинг, шу жумладан саёҳат фирмаларининг эгалари бор. Уларни сизнинг вакилларингиз ўртага қўядиган таклифлар қизиқтириши табиийдир.

ССЖИ Фанлар академияси жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар илмгоҳи директорининг ўринбосари Нодара Симония бошланган учрашув ҳақида шундай фикр билдирди:

— Маҳаллийлаштириш мамлакатимиз айрим жумҳуриятлари минтақаларининг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жанубий Корея ҳозир ҳар жиҳатдан қудратли мамлакат ҳисобланади. Шу боисдан Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги амалий алоқалар катта самара бериши мумкин. Шерикларимиз Тошкентга бежиз келганлари йўқ, улар одатдаги расмий тўсиқларсиз бевосита шартномалар тузишни хоҳлашяпти. Уларнинг бирдан-бир хоҳиши шундаки, шерикларимиз совет томони фаоллик кўрсатишини, ҳар томонлама ўйланган ва асосланган амалий таклифлар киритишини кутишяпти. Жанубий кореялик тадбиркор кишилар ўзаро фойдали шерикчилик қанча тез бошланса, у шунча тез самара беради, деб асосли равишда ҳисобламоқдалар.

Жанубий Корея делегациясининг вазирларидан бири Ўзбекистон имкониятларини ўрганишдан, ўзларининг бўлажак амалий шериклари билан танишишдан иборат. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси иқтисодиёт илмгоҳининг ходимлари ушбу конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жуда фаол қатнашдилар. Улар жумҳуриятимиздаги иқтисодий вазиятни жуда яхши биладилар, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйишда амалий ёрдам беришлари мумкин. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, илмгоҳ директори Омон Ҳикматов шу муносабат билан қуйидаги фикрни айтди:

— учрашувга, назаримда, бир қанча қизиқарли таклифларни тайёрладик. Бу таклифлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий турмушимизнинг турли соҳаларига таалуқлидир. Халқ истеъмоли моллари, электрон техника ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузиш керак бўлади илмгоҳимиз билан Сеулдаги халқаро тадқиқотлар илмгоҳи ўртасида ижодий ҳамдўстлик тўғрисида шартнома тузиш имкониятларига доир масала жиддий ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда гап фақат истиқбол ҳақида кетаётгани йўқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ биргаликда фаолиятимизнинг самаралари кўриниб қолди. Жумладан, Жанубий Кореяда мутахассисларимиз тайёрлаган «Ўзбекистон иқтисодиёти, тарихи ва маданияти» китоби нашр этилади.

Тошкент конференциясининг қатнашчилари мазкур учрашув Жанубий Корея Президенти Ро Де Унинг ССЖИга ташрифи арафасида ўтаётганини таъкидладилар. Иккала томон бу ташрифдан кўп нарсани кутишмоқда. Муҳими, ўзаро ишончсизлик даврлари ўтиб кетди, ўзаро қалин иқтисодий алоқаларни йўлга қўядиган вақт келди.

Жанубий Корея делегациясининг аъзолари жумҳуриятимиз пойтахтининг бир қанча корхоналари ва илмгоҳларида бўладилар. Ўзбекистонда ўзларининг иккинчи ватанига эга бўлган ватандошлари яшаб, меҳнат қилаётган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигига борадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

*● Деҳқончилик саноати: тажриба ва муаммолар*

## ХОМ АШЁ ҚАЧОН ЎЗ ЖОЙИДА ТЎЛА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ?

Келес жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикаси йил бошидан буён Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Белоруссия ва бошқа жумҳуриятларнинг ўттиздан ортиқ шаҳридаги тўқимачилик корхоналарига беш ярим минг тоннадан кўпроқ хом ашё жўнатди. Режадаги 36,5 миллион сўмлик ўрнига салкам 40 миллион сўмлик жун тайёрланди. 2,5 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди.

Корхона фойдаси асосан ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий, маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга сарфланмоқда. Масалан, саралаш цехида чанг-тўзон ютгич ускуналар ўрнатилди, фабрика участкалари газда иситишга ўтказилди. Янги болалар боғчаси, участка поликлиникаси, мева-сабзавот дўкони қурилди. 12 ишчи оиласига олти сотихдан ер участкаси олиб берилди. Меҳнат ветеранлари ва пенсионерларга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Аммо ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, барибир, фабриканинг ҳозирги аҳволи замонавий талабларга тўла жавоб бермайди. Фабрика Келес шаҳрининг қоқ марказида, тор, бор-йўғи 80 сотих ерда жойлашган, экологик ҳолатнинг бузилишига сабаб бўляпти.

Шунинг учун корхона маъмурият ва коллективи уни шаҳар марказидан четроқда қайта қуриш тўғрисида юқори ташкилотларга бир неча марта мурожаат қилди. Ниҳоят, уларнинг орзулари ушаладиган бўлди. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан янги Келес жун ювиш фабрикасини 1991—1995 йилларда қуриш Ўзбекистон ССЖ қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетига топширилди, бу корхона учун ер ҳам ажратилди. Унинг техника-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. У чет элларда тайёрланган машина-ускуналар билан жиҳозланадиган бўлди.

Дарвоқе, ҳозирги Келес фабрикаси Ўзбекистонда етиштирилаётган жуннинг учдан бир қисминигина ишлаяпти, холос. Қолган икки қисми эса қайта ишлаш учун бошқа жумҳуриятларга жўнатилмоқда. Қурилажак фабрика эса жумҳуриятда етиштириладиган жуннинг ҳаммасини дастлабки ишлаш, бўяш, ҳатто жундан ип йигириш қувватларига эга бўлади. Қўшимча иш ўринлари вужудга келади.

Бироқ ҳамма иш ҳали олдинда кўринади. Фабриканй қуриш учун маблағ керак. Уни ким ажратиб бериши маълум бўлмай турибди. Янги корхона қурилишидан ғоят манфаатдор бўлган Қорақўл ишлаб чиқариш бирлашмасида давлатдан қарз олиб ёки ихтиёридаги валюталарни ишга солиб бўлсада, фабрика қурилишини бошлаб юбориш мақсади йўқ эмас.

Хуллас, Келес фабрикаси жамоаси ҳозирча кенг янги корхонага эга бўлиш орзусидагина меҳнат қилишига тўғри келмоқда.

Т. АЛИМОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

## ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон ССЖ давлат хавфсизлиги комитети жамоатчилик билан алоқа марказининг хабар қилишича, жумҳурият давлат хавфсизлиги комитетида иқтисодий жиҳатдан зарар етказишларга қарши курашиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини сақлаш, ташиш ва уларни сотишда тартиб ўрнатиш учун чекистлар хизмати ва бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қиладиган оператив штаб тузилди.

Бу иш ССЖИ Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида» 23 ноябрь куни қабул қилган қарорига мувофиқ амалга оширилди. Бу ишга жалб этилган давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари ўз куч-ғайратлари жумҳуриятимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари билан биргаликда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар билан нормал таъминлашга халақит берувчи ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш ва уларнинг пайини қирқишга, чет эллардан етказиб бериладиган ва чет элларга юбориладиган молларни назорат этишга, бу масалаларда бошқарув органларига, вазирликлар ва идораларга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилгандир.

Хабарда Ўзбекистон фуқаролари жумҳурият давлат хавфсизлиги комитетини фаол қўллаб-қувватлашларига ва унинг мамлакат Олий Кенгашининг муҳим қарорини рўёбга чиқаришга қаратилган ишида амалий ёрдам беришларига умид билдирилади.

(ЎзТАГ).

### ССЖИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЭСЛАТАДИ

МОСКВА, 3 декабрь. ССЖИ молия вазирлиги билан омонат банкидан ТАСС мухбирига хабар қилишларича, ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ 1957 йилгача обуна асосида тарқатилган давлат заёми облигацияларнинг эгаларига ҳақ тўлаш 1990 йилнинг 15 декабрида тугалланади.

(ТАСС).

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи 1990 йил 7 декабрь куни соат 10.00 да Санъат саройида очилишини маълум қилади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида шу йил 5 декабрь куни соат 9.00 дан 17.00 гача ва шу йил 6 декабрь куни 14.00 дан 19.00 гача рўйхатга олинади.

